# ФАРҒОНАДА “КИТОБХОНЛИК ҲАФТАЛИГИ” БОШЛАНДИ

Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказида “Китобхонлик ҳафталиги”га старт берилди.

Республикада биринчи маротаба ўтказилаётган бундай кенг кўламдаги ҳафталик Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 декабрдаги 781-сон қарори асосида ташкил этилмоқда.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан вилоят ҳокимининг ўринбосари Файзулло Қосимов, “Китобхонлик ҳафталиги”нинг аҳамияти ҳақида тўхталиб, маънавий юксалишга қўйилаётган дадил қадамлардан бири эканлигини таъкидлади.

Ёшларда китоб ўқиш кўникмаси шаклланса, камолоти йўлида қолган барча амалларни китобнинг ўзи ўргатади. Фарғоналик 8-синф ўқувчиси Муҳаммадфозил Исмоиловнинг “Ёш китобхон” танловида ғолиб бўлиши – бу вилоятимизда ҳам китобхонликка қаратилаётган юксак эътиборнинг самарасидир.

“Фарғона тажрибаси” сифатида вилоятнинг ҳар бир маҳалласида электрон кутубхона ҳамда “Зиё” китоб масканлари барпо этилаётганлиги ҳам ҳудудларда китобхонлик муҳити шаклланишига хизмат қилиши шубҳасиз.

“Китобхонлик ҳафталиги” давомида ёшларда китобга бўлган қизиқишни уйғотишга қаратилган машғулотлар ўтказилади. Водий вилоятлари ёшлари ўртасида китобхонлик танлови, кутубхоначилар учун маҳорат сабоқлари,ноширлик салоҳияти намойиши ва бошқа турли соҳавий тадбирлар, маънавий-маърифий учрашувлар ташкил этилади.

Яна бир муҳим жиҳат, вилоятдаги ҳар бир корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳафталик доирасида ўзлари ўқиган мактабга китоб совға қилиш акцияси ҳам ўтказилади.

10 апрелга қадар давом этадиган ҳафталик доирасида китоблар тақдимотлари, адабий мулоқот ва учрашувлар, давра суҳбатлари, маърифий тадбирлар ва бошқа кўплаб қизиқарли лойиҳалар ўтказилиши режалаштирилган.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,
2021-04-05 17:22:48